

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

УСМАНОВ УЛУГБЕК ХУСАНОВИЧ

**ТУБУЛГИБАРГЛИ БЎЙМОДАРОН ГУЛЛАРИ АСОСИДА МЕЪДА-
ИЧАК ЯРАСИГА ҚАРШИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА БИОЛОГИК
ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА
СТАНДАРТЛАШ**

15.00.01- дори технологияси

15.00.02- фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Усманов Улугбек Хусанович

Тубулгибаргли бўймодарон гуллари асосида меъда-ичак ярасига қарши дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар технологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлаш 3

Усманов Улугбек Хусанович

Разработка и стандартизация противоязвенных лекарственных средств и биологически активных добавок на основе цветков тысячелистника таволголистного..... 29

Usmanov Ulugbek Khusanovich

Development and standardization of antiulcer drugs and dietary supplements based on the flowers of fernleaf yarrow..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

УСМАНОВ УЛУГБЕК ХУСАНОВИЧ

**ТУБУЛГИБАРГЛИ БЎЙМОДАРОН ГУЛЛАРИ АСОСИДА МЕЪДА-
ИЧАК ЯРАСИГА ҚАРШИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА БИОЛОГИК
ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА
СТАНДАРТЛАШ**

15.00.01- дори технологияси

15.00.02- фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.DSc/Far17** ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчилар:

Зайнулдинов Ҳикматулла Суяратович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Комилов Ҳажиясрор Маъсудович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Урманова Флюра Фаридовна
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Маъсудова Фируза Хуршидовна
фармацевтика фанлари доктори, доцент

Халилов Раъшанжон Мураджаонович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

А.С.Султонов номидаги Ўзбекистон кимё фармацевтика илмий тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 ракамли илмий кенгашнинг 2021 йил 13.06 «17» декабрь соат даги мажлисида булиб ўтади (Манзил 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй Тел: (+99871) 256-37-38; факс (+99871) 256-45-04; e-mail: info@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24 раками билан рўйхатга олинган) Манзил 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй Тел: (+99871) 256-37-38

Диссертация автореферати 2021 йил «17. декабрь» кuni тарқатилди (2021 йил «17. декабрь» даги 24 ракамли реестр баённомаси)



К.С. Ризаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С. Қариева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фарм ф.д., профессор

Ф.Ф. Урманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг эпидемиологик маълумотларига кўра меъда-ичак тизими касалликлари билан касалланган беморлар сони АҚШ, Европа ва Осиё мамлакатларининг 15% гача аҳолисини ташкил этади. Шунинг учун ушбу патологияларни олдини олиш ва даволашда кўлланиладиган доривор ўсимликларни фармакогностик ўрганиш, стандартлаш, улар асосида дори воситалар ва биологик фаол кўшимчаларининг технологиясини ишлаб чиқиш, сифат назоратини амалга ошириш, тургунлигини белгилаш, биофармацевтик нуқтаи назардан самарадорлигини исботлаш фармацевтика соҳасида катта аҳамиятга эга.

Жаҳонда халқ табобатида кенг кўлланилиб келаётган маҳаллий доривор ўсимликларнинг биологик фаол моддалари таркиби, сифати, терапевтик самарадорлиги ва безарарлигини аниқлаш, улар асосида дори препаратлари ва биологик фаол кўшимчаларининг ассортиментини кенгайтириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада меъда ва ўн икки бармоқли ичак ярасини даволашда кўлланиладиган ўсимликларни фитокимёвий ўрганиш, товаршунослик таҳлилини олиб бориш, уларни стандартлаш, ҳамда турли дори шакли кўринишида тиббиёт амалиётига татбиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар доирасида маҳаллий доривор ўсимликларни официнал тиббиётга киритиш, уларни стандартлашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш, самарадор ва безарар дори воситалари ва биологик фаол кўшимчаларни яратиш бўйича кенг қўламдаги ишлар бажарилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналиши бўйича «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш...»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада доривор ўсимликларни маданийлаштириш ва етиштириш мақсадида плантацияларни барпо этиш, улар асосида замонавий ва меъерий ҳужжатлар талабларига мос келган дори воситалар ва биологик фаол кўшимчаларни ишлаб чиқиш, ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга татбиқ этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ 3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.¹

Табиий доривор ўсимлик хом ашёларини стандартлаш, улар асосида дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларини ишлаб чиқиш, замонавий таҳлил усулларини қўллашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Kyoto Prefectural University of Medicine (Япония); University of Alberta (Канада); University of Madras, Central Drug Research Institute, Sagar Institute of Pharmaceutical Sciences (Ҳиндистон); Duksung Women's University (Жанубий Корея); Universidade Federal da Paraíba (Бразилия); University of Uyo (Нигерия); University of Malaya (Малайзия); Universitas Gadjah Mada (Индонезия); И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети, Самара давлат тиббиёт университети, Пятигорск тиббиёт-фармацевтика институти (Россия Федерацияси) ва Миллий фармацевтика университетиди (Украина) олиб борилмоқда.

Доривор ўсимликларни фармакогностик ва фитокимёвий ўрганиш, таркибидаги биологик фаол моддаларни ажратиб олиш усулларини ишлаб чиқиш, препаратлар сифатини меъёрий ҳужжатлар талабларига мослигини аниқлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: *Carica papaya* ўсимлиги мевасидан меъда ярасига қарши экстракт олиш технологияси ишлаб чиқилган (Lovely Professional University, Phagwara, Punjab, Ҳиндистон); *Naravelia zeylanica* баргидан меъда ярасига қарши экстракт олинган ва стандартланган (Srinivas College of Pharmacy, Mangalore, Ҳиндистон); бир неча хил доривор ўсимликлар асосида меъда ярасига қарши таъсирга эга ўсимлик йиғмаси ишлаб чиқилган ва стандартланган (Бошқирдистон давлат тиббиёт университети, Россия Федерацияси); доривор ўсимлик хом

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.elsevier.com/locate/jethpharm, www.springerlink.com/content, www.scopus.com, www.medline.ru, www.elibrary.ru, www.medlit.ru, www.rmj.ru, www.pubmed.com манбалар асосида кўриб чиқилган.

ашёларидан олинган препаратлар таркибидаги флавоноидлар йигиндиси микдорини аниқлаш учун спектрофотометрик усули ишлаб чиқилган (Саратов давлат аграр университети, Россия Федерацияси).

Дунёда доривор ўсимликлар асосида янги дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: меъда-ичак ярасини даволашда қўлланиладиган композицион таркибларни танлаш ва улар асосида субстанцияларни олиш, уларнинг сифатини назорат қилишда лабораторияларда аниқ ва сезгир таҳлил усуллари ишлаб чиқиш; фитопрепаратлар таркибидаги биологик фаол моддаларни замонавий инструментал усуллар ёрдамида идентификация қилиш усуллари ишлаб чиқиш; дори воситаларини сифат меъёрларининг безарарлигини тўлиқ қамраб олувчи усуллар ёрдамида аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан доривор ўсимлик хом ашёлари асосида меъда-ичак ярасига қарши дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш ҳамда стандартлаш ишлари олиб борилган.

Дунё микёсида доривор ўсимликлардан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш йўли билан меъда-ичак ярасига қарши дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш, уларнинг сифатини назорат қилиш ва стандартлаш бўйича Y.T.Tanaka, X.F.Zhu, H.X.Zhang, F.Romano, M.A.Farag, E.Fateh, B.Barrett, R.Bauer, M.A.Bukovsky, R.Cheminat, R.A.Zawatzky, A.Rehman, H.D.Proksch, A.Mutalib, E.Azizini, H.Ley, K.Ficken, J.Jeffrey, K.Nagao, T.A.Khajibayev, R.P.Torres, J.Warren, O.H.Сорокина, Б.В.Бровченко, В.И.Чуешов, А.С.Аммосов, Ю.И.Чистова, С.В.Серкерев, А.И.Церемпилова, О.С.Кухтенко, У.С.Ооржак, Э.Шамилов, П.В.Афанасьева, А.В.Куркиналарнинг илмий тадқиқотларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Маҳаллий доривор ўсимлик хом ашёлари асосида яллиғланишга қарши дори препаратлари ҳамда озукавий биологик фаол қўшимчалар ассортиментини кенгайтириш, уларнинг безарарлиги ва фармакологик фаоллигини ўрганиш, яроқлилик муддатини белгилаш бўйича Ҳ.Х.Холматов, Ҳ.М.Комилов, Ф.Ф.Урманова, У.М.Азизов, Ҳ.У.Алиев, Д.Б.Миракилова, Д.К.Пулатова ва Ф.Х.Тўхтаевлар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Мазкур диссертация иши тубулгибаргли бўйимодарон ўсимлиги асосида меъда-ичак ярасига қарши кўп таркибли дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш ва стандартлаш бўйича биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тубулгибаргли бўймодарон гуллари асосида меъда-ичак ярасига қарши дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар (БФҚ) таркибини илмий асосланган ҳолда танлаш, олиниш технологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тубулгибаргли бўймодарон гуллари асосида фильтр-пакетлардаги дори шаклини ишлаб чиқиш ва тегишли меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш;

фармакологик скрининг усули ёрдамида меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» доривор йигманинг илмий асосланган таркибини танлаб олиш ва технологик кўрсаткичларини ўрганиш;

меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» доривор йигмасидан «Гастрофил» куруқ экстрактини олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

олинган куруқ экстрактдан капсула дори шаклини олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

меъда-ичак ярасига қарши доривор йигма ва ушбу йигмадан олинган куруқ экстракт ва унинг капсула дори шакли сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш;

меъда-ичак ярасига қарши доривор йигма ва ушбу йигмадан олинган куруқ экстракт ва унинг капсула дори шаклини биологик самарадорлигини клиник олди тадқиқотларда исботлаш;

мазкур дори воситаларини «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази» Давлат унитар корхонасида (ДУК) рўйхатдан ўтказиш ва биологик фаол қўшимчаларни тегишли ваколатли ташкилотларда тасдиқлаш учун меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тубулгибаргли бўймодарон гуллари, қизилмия илдизи, тирнокгул гуллари, арслонқуйруқ ўти, меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» йигмаси ва ушбу йигма асосида олинган «Гастрофил» куруқ экстракти, «Гастрофил» капсула дори шакли, «Гастрахилл» ва «Liv Protect (Гепа+)» биологик фаол қўшимчалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий доривор ўсимлик хом ашёлари композицияси асосида дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш, уларни стандартлаш, фармакологик самарадорлиги ва безарарлигини аниқлаш ҳамда тиббиёт амалиётига татбиқ этиш мақсадида уларга тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишни ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни олиб бориш жараёнида замонавий кимёвий, физик-кимёвий, инструментал ва фармакологик таҳлил усуллари қўлланилган. Тадқиқотлар натижаларини статистик таҳлил қилиш жараёнида Вилкинсон-Манн-Уитни U-мезони ва Стъюдент t-мезонлари қўлланилган компьютер дастуридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тубулгибаргли бўймодарон гулларидаги фильтр-пакетларга қадоқланган дори шакли ишлаб чиқилган;

илк бор маҳаллий доривор ўсимлик хом ашёлари асосида меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» йигма таркиби танланган ва стандартланган;

илк бор меъда-ичак ярасига қарши «Гастрофил» субстанцияси таркиби ва олиш технологияси ишлаб чиқилган;

меъда-ичак ярасига қарши субстанция асосида «Гастрофил» капсулаларининг илмий асосланган таркиби ва олиш технологияси ишлаб чиқилган, специфик фаоллиги ва зарарсизлиги аниқланган;

илк бор тубулгибаргли бўймодарон гуллари, арслонқуйруқ ўти, қизилмия илдизи ва тирноқгул гуллари асосида капсула шаклидаги «Гастрахилл» биологик фаол қўшимчаси ҳамда меъда-ичак тизими фаолиятининг функционал ҳолатини яхшилайдиган, гастро- ва гепатопротекторлик хусусиятига эга бўлган капсулаланган «Liv Protect (Гепа+)» биологик фаол қўшимчаси ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг зарарсизлиги ва биологик самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

илк бор меъда-ичак ярасига қарши йигма таркибидаги глицирризин кислотаси микдорини ЮССХ усули билан аниқлаш услуги ишлаб чиқилган;

меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» йигмаси, «Гастрофил» курук экстракти ва капсулалари ҳамда «Гастрахилл» ва «Liv Protect (Гепа+)» биологик фаол қўшимчаларининг саклаш шароитлари белгиланган ва яроқлилик муддатлари аниқланган;

тубулгибаргли бўймодарон гуллари ҳамда «Гастрофил» курук экстракти, «Гастрахилл» ва «Liv Protect (Гепа+)» биологик фаол қўшимчалари учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражаси замонавий математик, статистик таҳлил усуллари, технологик, физик-кимёвий, фармакогностик, биофармацевтик ва клиникагача бўлган фармакологик изланишлар асосида тасдиқланган. Олиб борилган тадқиқотлар натижалари тажриба-саноат ишлаб чиқариш шароитида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий доривор ўсимликлар аралашмасидан яллигланишга қарши таъсирга эга курук экстракт олишнинг мўътадил усулини яратиш ва унинг асосида «Гастрофил» дори воситаси ҳамда капсула шаклидаги «Гастрахилл» ва «Liv Protect (Гепа+)» биологик фаол қўшимчалари таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқишни илмий назарий асослари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Тубулгибаргли бўймодарон гуллари», «Гастрофил» субстанцияси ҳамда «Гастрахилл» ва «Liv Protect (Гепа+)» биологик фаол қўшимчаларига «Nova Pharm» МЧЖ ҚК ва «Abduxoliq Pharm» МЧЖ маҳаллий фармацевтик корхоналари билан ҳамкорликда меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги билан изоҳланади. Уларнинг саноат миқёсида ишлаб чиқарилиши ижтимоий-

иктисодий аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизга чет элдан олиб кириладиган импорт препаратларни ўрнини босишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тубулгибаргли бўймодарон гуллари асосида меъда-ичак ярасига қарши дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар технологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тубулгибаргли бўймодарон гуллари» доривор ўсимлик хом ашёси «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази» ДУК томонидан тиббиётда қўллашга рухсат этилган (ФС 42 Уз-0266-2020). Натижада, меъда-ичак ярасига қарши ва кон тўхтатувчи дори воситасини яратиш имконини берган;

«Гастрофил» курук экстракти учун корхона фармакопея мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланган (КФМ 42 Уз-18583002-4656-2021) ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган (гувоҳнома, №DV/M 03906/09/21). Натижада, меъда-ичак тизимидаги яллигланиш жараёнларини даволашда қўлланиладиган препаратлар учун субстанция ишлаб чиқариш имконини берган;

«Гастрахилл» биологик фаол қўшимчаси учун Техник шартлар тасдиқланган (Ts 28275514-003:2020) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома тасдиқланган (ТИ 28275514-003:2020). Натижада, «Abduxoliq Pharm» МЧЖ корхонасида капсула шаклидаги «Гастрахилл» биологик фаол қўшимча ишлаб чиқариш имконини берган;

«Liv Protect (Гепа+)» биологик фаол қўшимчаси учун Техник шартлар (Ts 18583002-03:2021) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома тасдиқланган (ТИ 18583002-03:2021). Натижада, «Nova Pharm» МЧЖ ҚК корхонасида меъда-ичак фаолиятини меъёрлаштирувчи таъсирга эга капсула шаклидаги «Liv Protect (Гепа+)» биологик фаол қўшимча ишлаб чиқариш имконини берган;

меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» йигмасига корхона фармакопея мақоласи лойиҳаси ишлаб чиқилиб, клиник синовдан ўтказиш учун «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази» ДУК томонидан рўйхатга олинган ҳамда Этика қўмитаси томонидан мазкур препаратнинг клиник синовдан ўтказишга рухсат берилган (Этика қўмитасининг 2021 йил 17 апрелдаги 2/10-1505-сон хати). Натижада, меъда-ичак ярасига қарши дори воситасини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий ишлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

(DSc) асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (9 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 7 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 176 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объектлари ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Меъда-ичак ярасига қарши дори воситалари ва ушбу соҳадаги изланишларнинг ҳозирги кундаги ҳолати**» мавзуси бўлиб, Ўзбекистон Республикасида меъда-ичак ярасига қарши дори воситалари фармацевтика бозорининг ҳозирги кундаги ҳолатини ўрганишга, мамлакатимизда рўйхатга олинган ўсимликлар асосидаги дори воситаларининг таҳлилига, ўсимликлар асосидаги дори воситаларини ишлаб чиқаришга, уларни ишлаб чиқишга илмий-методологик ёндашувни асослашга зарурат борлигига асос бўладиган маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлилига бағишланган. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорини ўрганиш доривор ўсимликлар асосидаги меъда-ичак ярасига қарши дори воситалари турини ва ассортиментини кенгайтириш ҳамда уларни яратиш ва ишлаб чиқариш зарурлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Тадқиқотнинг умумий концепциясини асослаш. Тадқиқот материаллари, объектлари ва таҳлил усуллари**»да доривор ўсимлик хом ашёлари, дори субстанциялари, тадқиқотларда ишлатиладиган кимёвий ва фармацевтика таҳлиллари учун асбоб-ускуналар рўйхати акс эттирилган, шунингдек материаллар, усуллар ва тадқиқот объектлари келтирилган.

Учинчи боб «**Тубулғибаргли бўймодарон гуллари дори шаклини ишлаб чиқиш**» да тубулғибаргли бўймодарон гуллариининг 1,5 г фильтр-пакетларга қадоқланган дори шаклини яратиш бўйича олиб борилган изланишлар натижалари келтирилган бўлиб, бунда:

1,5 г фильтр-пакетларга қадоқлаш учун тубулғибаргли бўймодарон гуллари доривор ўсимлик хом ашёси заррачаларининг оптимал майдаланганлик даражаси (1-2 мм) аниқланган;

фильтр-пакетларга қадоқланган, майдаланганлик даражаси 1-2 мм ни ташкил қилган тубулғибаргли бўймодарон гуллари доривор ўсимлик хом ашёси учун оптимал технологияни ишлаб чиқиш, тайёр маҳсулот сифатини башорат қилиш ва меъёрлаштириш мақсадида унинг технологик

хусусиятлари: солиштира оғирлиги - 0,63 г/см³; солиштира зичлиги - 0.48 г/см³; сочилувчанлиги - 0.21 г/см³; ички говаклиги - 0.24 г/см³; говаклиги - 0.56 г/см³; маҳсулот қатламининг эркин ҳажми - 0.66 г/см³ ва сув шимиш коэффициенти - 2.21 мл/г экспериментал усулда аниқланган;

майдаланганлик даражаси 1-2 мм ни ташкил қилган тубулгибаргли бўймодарон гуллари доривор ўсимлик хом ашёси сон кўрсаткичлари аниқланган, товаршунослик ва кимёвий таҳлили ўтказилган, флавоноидлар йигиндисининг миқдори (0,97%) аниқланган, табиий шароитда сақлаш жараёнида яроқлилик муддатини аниқлаш бўйича изланишлар олиб борилган. Яроқлилик муддати 2 йил деб белгиланган;

олиб борилган изланишлар натижасида «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази» ДУК томонидан «Тубулгибаргли бўймодарон гуллари» доривор ўсимлик хом ашёси учун ФС 42-Уз-0266-2020 фармакопея мақоласи тасдиқланган.

Изланишлар натижалари 1- ва 2-жадвалларда келтирилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» доривор йиғмасининг таркибини танлаш, технологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлаш»** га бағишланган.

Фармакологик скрининг усули билан меъда-ичак ярасига қарши доривор йиғманинг оптимал таркиби танланган. Олиб борилган изланишлар натижасида таркибида тубулгибаргли бўймодарон гуллари, қизилмия илдизи ва тирнокгул гуллари 40:40:20 нисбатда сақлаган йиғманинг бошқа таркибли йиғмаларга нисбатан меъда-ичак ярасига қарши фаоллигининг юқорилиги аниқланди.

Дори воситалари ассортиментини кенгайтириш мақсадида меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» йиғмасини 50 г ангро кадокларда ҳамда 1,5 г фильтр пакетларда ишлаб чиқариш режалаштирилганлиги сабабли уларнинг технологик кўрсаткичлари ўрганиб чиқилди.

Изланишлар натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Олинган натижалар йиғма таркибига кирувчи доривор ўсимлик хом ашёларининг майдаланганлик даражаси ортган сари, йиғманинг технологик хусусиятлари оптималлашиши кузатилганлигини кўрсатади. Маҳсулотнинг майдаланганлик даражаси 1-2 мм катталиқда бўлиши 1,5 г фильтр пакетларда ишлаб чиқариш учун оптимал эканлиги аниқланди.

Меъда-ичак ярасига қарши йиғмани стандартлаш. Сон кўрсаткичларини аниқлаш. XI ДФнинг «Йиғмалар» умумий мақоласи ҳамда Дори воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламенти талабларига мувофиқ меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» йиғмасининг сифати ва хавфсизлик мезонларини ишлаб чиқиш учун қуйидаги сон кўрсаткичлари аниқланди:

таъсир этувчи моддаларнинг миқдори; намлик; умумий ва 10% хлорид кислотасида эримайдиган кул миқдори; майдаланганлик ва аралашмалар миқдори.

Майдаланган тубулғибаргли бўймодарон гулларининг товаршунослик ва кимёвий тахлил натижалари

Тайёрланган манзил	Тайёрланган йили (хомашё)	Партия рақами	Тахлил санаси	ТАХЛИЛ НАТИЖАЛАРИ, в %						
				Қуритилганда вазн йўқотиши	Умумий кул миқдори	Флавоноидлар миқдори	Тешикларининг диаметри 2 мм бўлган элакдан ўтмайдиган заррачалар	Тешикларининг ўлчами 0,2 мм бўлган элакдан ўтадиган заррачалар	Органик аралашмалар	Минерал аралашмалар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Тош. вил. Чимён қ.	Июль 2017 г.	011017	Октябрь 2017 г.	7,4	5,9	0,92	2,8	1,8	0.2	0.3
Тош. вил. Чимён қ.	Июль 2017 г.	021017	Октябрь 2017 г.	7,4	6,2	0,96	2,7	1,4	0.3	0.2
Тош. вил. Чимён қ.	Июль 2017 г.	031017	Октябрь 2017 г.	7,3	5,8	0,94	2,5	1,7	0.1	0.1
Тош. вил. Чимён қ.	Июль 2017 г.	041017	Октябрь 2017 г.	7,5	5,9	0,99	3,0	2,0	0.2	0.1
Тош. вил. Чимён қ.	Июль 2017 г.	051017	Октябрь 2017 г.	7,4	5,8	1,03	2,6	1,6	0.4	0.3

**Майдаланган тубулғибаргли бўймодарон гулларининг табиий шароитда сақлаш жараёнида
турғунлигини ўрганиш натижалари (25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда)**

Тайёрланган вақти	Партия рақами	Қадоқ тури	Товаршўнослик таҳлили								Флавоноидлар миқдори	Сақланиш давомийлиги	НХ талаблари дан четга чиқиши
			Бирламчи таҳлил ва қайта таҳлил саналари	Қуритилганда вазн йўқотиши	Умумий кул миқдори	10% ли хлорид кислотасида эримайдиган кул миқдори	Тешикларининг диаметри 2 мм бўлган элакдан ўтмайдиган заррачалар	Тешикларининг ўлчами 0,2 мм бўлган элакдан ўтадиган заррачалар	Органик қўшимчалар	Минерал қўшимчалар			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
Июль 2017	011017	Фильтр-пакетларда 1,5 г дан	12.10.2017 12.10.2018 12.10.2019 12.04.2020 12.10.2020	7,4	5,9	0,4	2,8	1,8	0,2	0,3	0,92 0,90 0,86 0,82 0,74	- 1 йил 2 йил 2,5 йил 3 йил	Йўқ Йўқ Йўқ Йўқ 0,06
Июль 2017	021017	Фильтр-пакетларда 1,5 г дан	12.10.2017 12.10.2018 12.10.2019 12.04.2020 12.10.2020	7,4	6,2	0,3	2,7	1,4	0,3	0,2	0,96 0,94 0,89 0,83 0,77	- 1 йил 2 йил 2,5 йил 3 йил	Йўқ Йўқ Йўқ Йўқ 0,03
Июль 2017	031017	Фильтр-пакетларда 1,5 г дан	12.10.2017 12.10.2018 12.10.2019 12.04.2020 12.10.2020	7,3	5,8	0,5	2,5	1,7	0,1	0,1	0,94 0,91 0,87 0,82 0,78	- 1 йил 2 йил 2,5 йил 3 йил	Йўқ Йўқ Йўқ Йўқ 0,02
Июль 2017	041017	Фильтр-пакетларда 1,5 г дан	12.10.2017 12.10.2018 12.10.2019 12.04.2020 12.10.2020	7,5	5,9	0,2	3,0	2,0	0,2	0,1	0,99 0,94 0,89 0,84 0,76	- 1 йил 2 йил 2,5 йил 3 йил	Йўқ Йўқ Йўқ Йўқ 0,04
Июль 2017	051017	Фильтр-пакетларда 1,5 г дан	12.10.2017 12.10.2018 12.10.2019 12.04.2020 12.10.2020	7,4	5,8	0,4	2,6	1,6	0,4	0,3	1,03 0,96 0,91 0,85 0,78	- 1 йил 2 йил 2,5 йил 3 йил	Йўқ Йўқ Йўқ Йўқ 0,02

**Меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» йиғмасининг
технологик кўрсаткичларини ўрганиш натижалари**

№	Технологик кўрсаткичлар	«Ульцерафит» йиғмасининг майдаланганлик даражаси		
		1-2 мм	3-5 мм	5-7 мм
1.	Солиштирама огирлик, г/см ³	1,33±0,08	1,38±0,08	1,45±0,11
2.	Солиштирама зичлик, г/см ³	0,53±0,04	0,58±0,03	0,64±0,05
3.	Сочилувчанлик, г/см ³	0,27±0,03	0,32±0,04	0,38±0,05
4.	Ички говаклик, г/см ³	0,60±0,04	0,57±0,04	0,55±0,03
5.	Говаклилик, г/см ³	0,49±0,03	0,45±0,02	0,40±0,02
6.	Маҳсулот қатламининг эркин ҳажми, г/см ³	0,80±0,05	0,77±0,03	0,73±0,04

Олинган натижалар йиғма таркибига кирувчи доривор ўсимлик хом ашёларининг майдаланганлик даражаси ортган сари, йиғманинг технологик хусусиятлари оптималлашиши кузатилганлигини кўрсатади. Маҳсулотнинг майдаланганлик даражаси 1-2 мм катталиқда бўлиши 1,5 г фильтр пакетларда ишлаб чиқариш учун оптимал эканлиги аниқланди.

Меъда-ичак ярасига қарши йиғмани стандартлаш. Сон кўрсаткичларини аниқлаш. XI ДФнинг «Йиғмалар» умумий мақоласи ҳамда Дори воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламенти талабларига мувофиқ меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» йиғмасининг сифати ва хавфсизлик мезонларини ишлаб чиқиш учун қуйидаги сон кўрсаткичлари аниқланди:

таъсир этувчи моддаларнинг миқдори; намлик; умумий ва 10% хлорид кислотасида эримайдиган кул миқдори; майдаланганлик ва аралашмалар миқдори.

Хусусий фармакопея мақолалари талабларига биноан йиғма таркибига кирувчи ҳар бир доривор ўсимлик хом ашёси ўзининг асосий таъсир этувчи моддаси бўйича стандартланади.

Йиғма таркибига кирувчи доривор ўсимликлар ўзининг таркибида турли хил флавоноидлар сақлашини инобатга олган ҳолда меъда-ичак ярасига қарши йиғмани стандартлашда йиғма таркибидаги флавоноидлар йиғиндиси миқдори бўйича стандартлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Йиғма таркибидаги флавоноидлар йиғиндиси миқдорини аниқлаш учун XI ДФ да келтирилган флавоноид агликонлари йиғиндиси миқдори бўйича (кислотали гидролиздан сўнг) кверцетиннинг алюминий хлорид билан комплекс бирикмаси ҳосил бўлишига асосланган спектрофотометрик усул билан аниқлаш услубидан фойдаланилди.

Изланишлар натижаси меъда-ичак ярасига қарши йиғма таркибида флавоноидлар йиғиндиси миқдори 0,81-0,94 % ташкил қилишини кўрсатди.

Миқдорий таҳлил натижаларига кўра ҳамда йиғма таркибига кирувчи мазкур доривор ўсимликлар ўсадиган иқлимий ва географик шароитларини

инобатга олган холда йигма таркибидаги флавоноидлар йиғиндиси микдорининг куйи чегараси 0,6% дан кам бўлмаслиги белгиланди.

Йигма учун юқорида қайд этилган бошқа сон кўрсаткичлар XI ДФ ва хусусий мақолаларда келтирилган услублар асосида аниқланди.

Товаршунослик ва кимёвий таҳлил натижалари асосида меъда-ичак ярасига қарши йигманинг сифатини меъёрлаштирадиган сон кўрсаткичлари мезони аниқланди (4-жадв.).

4-жадвал

Меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» йиғмасининг сон кўрсаткичлари

№	Сон курсаткичларининг номи	50 г ангро кадоқлардаги йигма учун, %	Фильтр-пакетлардаги йигма учун, %
1.	Флавоноидлар йиғиндисининг кверцетин бўйича микдори	0,6дан кам эмас	0,6дан кам эмас
2.	Намлик	14 дан кўп эмас	14 дан кўп эмас
3.	Умумий кул микдори	9 дан кўп эмас	9 дан кўп эмас
4.	10% хлорид кислотасида эримайдиган кул микдори	2 дан кўп эмас	2 дан кўп эмас
5.	Хом ашё табиий рангини ўзгартирган заррачалар микдори	2 дан кўп эмас	-
6.	Тешикларининг диаметри 7 мм бўлган элакдан ўтмайдиган заррачалар микд.	3 дан кўп эмас	-
7.	Тешикларининг диаметри 2 мм бўлган элакдан ўтмайдиган заррачалар микд.	-	10 дан кўп эмас
8.	Тешикларининг ўлчами 0,2 мм бўлган элакдан ўтадиган заррачалар микд.	5 дан кўп эмас	5 дан кўп эмас
9.	Органик аралашмалар	1,0 дан кўп эмас	1,0 дан кўп эмас
10.	Минерал аралашмалар	0,5 дан кўп эмас	0,5 дан кўп эмас

Меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» йиғмаси компонентларининг анатомик-диагностик белгиларини аниқлаш. Йигма компонентларининг анатомик-диагностик белгиларини аниқлаш мақсадида меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» йиғмасидан тайёрланган препаратни микроскоп остида назоратдан ўтказилди (1-расм).


Бунда йигма таркибига кирувчи ҳар бир ўсимлик учун хос бўлган характерли элементлар аниқланди:

- тубулгибаргли бўймодарон гуллари учун хос бўлган бурма ва папилляр эпидермал хужайраларнинг бўлаклари, эфир мойли безчалар, оддий, бир хужайрали тукчалар ва гул чанги;

- қизилмия илдизи учун хос бўлган призматик кристаллардан ташкил топган кристалл қобикли толалар бўлаклари ва крахмал доначалари сақлаган паренхима хужайралари;

- тирноқгул гуллари учун хос бўлган безчали туклар, устицалар, эпидермис бурма деворлари бўлаклари, папилляр эпидерма, бир хужайрали

тукчалар, паренхима хужайралари ва гул чанги (тиканли экзиnasi ва учта тешикчаси бўлган думалок чанг доначалари).



1-расм. Меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» доривор йигмаси кукунининг микроскопияси. *1-қизилмия илдизи*: 1а-крахмал доначалар сақлаган паренхима хужайралари; 1б-призматик кристаллардан ташкил топган кристалл қобикли толалар; 1с-тўқималар; *2-тубулгибаргли бўймодарон гуллари*: 2 а-эфир мойли безчалар; 2 б-гул чанги; 2 с-бир хужайрали тукчалар; *3-тирноқсул гуллари*: 3а, 3 с- тиканли экзиnasi ва учта тешикчаси бўлган думалок чанг доначалари, 3 б-гул тухумдони эпидермиси бўлакчаси

Олиб борилган изланишлар натижасида «Ульцерафит» меъда-ичак ярасига қарши доривор йигма таркибига кирувчи доривор ўсимлик хом ашёлари: қизилмия илдизи, тубулгибаргли бўймодарон гуллари ва тирноқсул гуллари чинлигини исботлаш учун зарур бўлган анотомик-диагностик белгилари аниқланди.

Меъда-ичак ярасига қарши йигманинг яроқлилик муддатини аниқлаш бўйича изланишлар. Меъда-ичак ярасига қарши йигма 6, 12, 18, 24 ва 30 ой мобайнида сақланганда ушбу йигманинг асосий кўрсаткичлари меъерий хужжатлар талабларига жавоб бериши аниқланган. Сақлашнинг 36 ойида мазкур йигма таркибидаги флавоноидлар йигиндиси миқдори кўрсаткичи бўйича меъерий хужжатлар талабларига жавоб бермаслиги аниқланди (флавоноидлар йигиндиси миқдори 0,56-0,59% ташкил қилди). Яроқлилик муддати 2 йил деб белгиланди.

Изланишлар натижалари 5-жадвалда келтирилган.

Меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» йиғмасининг табиий шароитда сақлаш жараёнида турғунлигини ўрганиш натижалари (25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда)

Партия рақами	Қадоқ тури	Товаршунослик таҳлили								Флавоноидлар миқдори	Сақланиш давомийлиги	НХ талаблари дан четга чиқиши		
		Бирламчи таҳлил ва қайта таҳлил саналари	Қуритилганда вазн йўқотиши	Умумий кул миқдори	10% ли хлорид кислотасида эримайдиган кул миқдори	Тешикларининг диаметри 2 мм бўлган элакдан ўтмайдиган заррачалар	Тешикларининг ўлчами 0,2 мм бўлган элакдан ўтадиган заррачалар	Органик аралашмалар	Минерал аралашмалар					
2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14		
010217	Фильтр-пакетларда 1,5 г дан	12.02.2017	8,4	7,9	1,1	0,9	1,0	0,5	0,4	0,92	-	Йўқ		
		12.02.2018								0,83			1 йил	Йўқ
		12.02.2019								0,71			2 йил	Йўқ
		12.08.2019								0,65			2,5 йил	Йўқ
		12.02.2020								0,59			3 йил	0,01
020217	Фильтр-пакетларда 1,5 г дан	12.02.2017	8,5	8,2	1,3	1,0	1,5	0,4	0,2	0,89	-	Йўқ		
		12.02.2018								0,81			1 йил	Йўқ
		12.02.2019								0,72			2 йил	Йўқ
		12.08.2019								0,63			2,5 йил	Йўқ
		12.02.2020								0,58			3 йил	0,02
030217	Фильтр-пакетларда 1,5 г дан	12.02.2017	8,3	7,5	1,0	1,0	0,8	0,6	0,3	0,87	-	Йўқ		
		12.02.2018								0,80			1 йил	Йўқ
		12.02.2019								0,71			2 йил	Йўқ
		12.08.2019								0,64			2,5 йил	Йўқ
		12.02.2020								0,57			3 йил	0,03
040217	Фильтр-пакетларда 1,5 г дан	12.02.2017	8,4	7,8	1,2	0,8	1,2	0,5	0,1	0,91	-	Йўқ		
		12.02.2018								0,82			1 йил	Йўқ
		12.02.2019								0,73			2 йил	Йўқ
		12.08.2019								0,67			2,5 йил	Йўқ
		12.02.2020								0,59			3 йил	0,01
050217	Фильтр-пакетларда 1,5 г дан	12.02.2017	8,4	7,8	1,2	1,0	0,7	0,5	0,3	0,88	-	Йўқ		
		12.02.2018								0,81			1 йил	Йўқ
		12.02.2019								0,74			2 йил	Йўқ
		12.08.2019								0,63			2,5 йил	Йўқ
		12.02.2020								0,56			3 йил	0,04

Диссертациянинг бешинчи боби «Ульцерафит» меъда-ичак ярасига қарши йиғма асосида “Гастрофил” қуруқ экстрактини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлашга багишланган.

Қуруқ экстрактни олиш учун бошлангич хом ашё сифатида таркибида қўйидаги доривор ўсимлик хом ашёларини сақлаган меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» йиғмасидан фойдаланилди:

Тубулгибаргли бўймодарон гуллари (Flores Achilleae filipendulinae) (ФС 42 Уз-0266-2020)	40 қисм
Қизилмия илдизлари (Radicis Glycyrrhizae glabra) (ФС 42 Уз-0280-2017)	40 қисм
Тирнокгул гуллари (Flores Calendulae) (ФСП 42 Уз-20900059-1684-2017)	20 қисм

Меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» йиғмасидан «Гастрофил» қуруқ экстрактини олиш учун экстрагентни танлаш. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра доривор ўсимлик хом ашёларидан флавоноидларни ажратиб олиш учун муътадил экстрагентлардан бири сифатида 70% этанол ҳисобланади. Лекин доривор йиғма таркибида глицирризин кислотаси сақлаган қизилмия илдизлари борлигини инобатга олган ҳолда доривор ўсимлик хом ашёсидан биологик фаол моддаларнинг ажралиб чиқиш миқдорига экстрагентнинг турли хил концентрациялари таъсирини ўрганиш зарурияти тугилди. Доривор ўсимлик хом ашёлари таркибидаги балласт моддалар (полисахаридлар, қатронлар ва бошқалар) асосан сувли ёки этил спиртнинг 40% гача бўлган спиртли ажратмаларига ажралиб чиқишини инобатга олган ҳолда 5 турдаги экстрагент таркиби танлаб олинди (6-жадв.).

6-жадвал

Меъда-ичак ярасига қарши «Ульцерафит» йиғмасидан таъсир этувчи моддаларнинг ажралиб чиқиш концентрациясига экстрагент табиатининг таъсири

№	Экстрагент	Флавоноидлар йиғиндиси миқдори, %	Глицирризин кислотаси миқдори, %	Қуруқ экстракт миқдори, %
1.	50% этанол	1,94 ±0,08	7,04 ±0,25	18,2 ±0,76
2.	60% этанол	2,14 ±0,12	7,01 ±0,23	19,3 ±0,87
3.	70% этанол	2,28 ±0,09	6,92 ±0,21	20,4 ±0,84
4.	80% этанол	2,11 ±0,13	6,79 ±0,22	20,2 ±0,89
5.	90% этанол	2,09 ±0,14	6,34 ±0,24	20,2 ±0,96

Изланишлар натижаси таҳлили меъда-ичак ярасига қарши йиғмадан флавоноидлар йиғиндисини экстракция қилиш учун муътадил экстрагент сифатида 70% этанол қўлланилиши мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди.

Доривор ўсимлик хом ашёлари заррачалари ўлчамининг экстракция жараёни самарадорлигига таъсирини ўрганиш. Адабиётлардан маълумки, доривор ўсимлик хом ашёсидан таъсир этувчи моддаларни ажралиб чиқиши хом ашё заррачаларининг майдаланганлик даражасига боғлиқ. Доривор ўсимлик хом ашёсидан биологик фаол моддаларни экстракция қилиш самарадорлигига хом ашё зарралари ўлчамининг таъсири ўрганилди.

Изланишлар натижалари 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Доривор ўсимлик хом ашёлари майдаланганлик даражасининг экстракция жараёни самарадорлигига таъсирини ўрганиш натижалари

№	Доривор ўсимлик хом ашёсининг майдаланганлик даражаси	Флавоноидлар йиғиндиси миқдори, %	Глицирризин кислотаси миқдори, %	Курук экстракт миқдори, %
1.	1-2 мм	2,28±0,09	7,06 ±0,25	21,4±0,84
2.	3-5 мм	2,04±0,08	6,92±0,23	18,7±0,76
3.	5-7 мм	1,78±0,09	6,78 ±0,22	17,3±0,68
4.	7-10 мм	1,58±0,07	5,31 ±0,21	15,6±0,73

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси меъда-ичак ярасига қарши йигмадан флавоноидлар йиғиндисини экстракция қилиш учун доривор ўсимлик хом ашёси зарраларининг 1-2 мм катталиги муътадил эканлигини исботлади.

«Гастрофил» қуруқ экстрактини олиш технологиясини ишлаб чиқиш. Ишлаб чиқариш жараёни самарадорлигини ошириш ва харажатларни камайтириш мақсадида, экстракция жараёни «Balzam» МЧЖ корхонасида ўрнатилган «Ruian Xuanli Mashinery Tank» («Ruian Xuanli Mashinery Co, Ltd.» маҳсулоти, Хитой) экстракторида замонавий циркуляцион усулида олиб борилди.

Экстракция жараёни икки мартаба, бир хил шароитда, перколяция усулида, экстрагент сифатида 70%ли этанолда, 50°C ҳароратда, 1 соат мобайнида, экстракцион массани доимий аралаштириб туриб, ультратовушни қўллаган ҳолда (10 дақиқа давомида) олиб борилди.

Олинган суюқ экстракт «LPG-15 High Speed Spray Dryer» (Jiangsu Wanji Drying Engineering Co., Ltd., маҳсулоти, Хитой) русумли пуркагичли қуритиш мосламасида вакуум шароитида, 60°C ҳароратда қуритилди.

Олинган қуруқ экстракт миқдори 21,4%ни ташкил қилди. Флавоноидлар йиғиндиси миқдори 2,18-2,37%, глицирризин кислотаси миқдори 7,06 ±0,25ни ташкил қилди.

Тадқиқот натижалари 8-жадвалда келтирилган.

**«Гастрофил» куруқ экстракти таркибидаги флавоноидлар йиғиндиси
ва глицирризин кислотаси миқдорини аниқлаш натижалари**

№	Тортма, г	Флавоноидлар йиғиндиси миқдори, %	Глицирризин кислотаси миқдори, %
1.	0,4112	2,18±1,02%	7,03 ±0,22
2.	0,3978	2,28±1,07%	7,06 ±0,25
3.	0,4271	2,34±1,04%	7,09 ±0,26
4.	0,3963	2,23±1,07%	7,04 ±0,21
5.	0,3845	2,37±1,09%	7,08 ±0,24
Ўртача кўрсаткич		2,28±0,09%	7,06 ±0,25

Куруқ экстрактни стандартлаш. Олинган куруқ экстракт кўйида келтирилган мезонлар асосида стандартланди: сапонинлар, глицирризин кислотаси, флавоноидлар ва каротиноидлар учун ҳос бўлган сифат реакциялари бўйича; намлик, оғир металллар миқдори, микробиологик тозалиги, флавоноидлар йиғиндиси миқдорини аниқлаш бўйича.

Олиб борилган изланишлар натижаси олинган куруқ экстрактнинг ушбу дори воситасига кўйилган меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб беришини кўрсатди.

Куруқ экстрактнинг барқарорлиги табиий шароитда сақлаш жараёнида ўрганилди.

Табиий шароитда герметик қадокларда 6, 12, 18, 24 ва 30 ой мобайнида сақланган куруқ экстрактнинг асосий кўрсаткичлари деярли ўзгаришга учрамади ва меъёрий ҳужжат талабларига жавоб берди.

Сақлашнинг 36чи ойида (3 йил) ўрганилаётган куруқ экстрактнинг намлик кўрсаткичи (ушбу кўрсаткич 5,04-5,08% оралигида бўлган, меъёрий ҳужжат талаблари бўйича 5 % ошмаслиги керак) ва флавоноидлар йиғиндиси (ушбу кўрсаткич 1,92-1,96% оралигида бўлган, меъёрий ҳужжат талаблари бўйича 2 % ошмаслиги керак) миқдори кўрсаткичлари бўйича талабга жавоб бермади. Яроқлилик муддати 2 йил деб белгиланди.

Диссертациянинг олтинчи бобида **«Гастрофил» капсулаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлаш бўйича олиб борилган изланишлар** натижалари келтирилган.

9-жадвалда келтирилган маълумотлар ушбу куруқ экстракт ўзининг гигроскопиклик хусусияти, сочилувчанлиги ва табиий оғиш бурчаги кўрсаткичлари бўйича капсула массасини олиш учун қўлланиладиган куруқ экстрактларга кўйиладиган талабларга жавоб бермаслиги аниқланди.

Олинган натижалар ижобий бўлмаганлиги сабабли, изланишларимиз мақсади «Гастрофил» капсулаларига мукамал капсула массасини олиш учун ёрдамчи моддаларнинг мўътадил нисбатини танлаш зарурати туғилди.

«Гастрофил» курук экстрактининг технологик хусусиятлари

№	Ўрганилаётган кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	«Гастрофил» курук экстракти
1.	Ранги		Оч жигаррангдан жигаррангача
2.	Ҳиди		Ўзига ҳос кўчсиз
3.	Ташқи кўриниши		Аморф порошок
4.	Фракцион таркиб: -1000 мкм + 500 мкм -500 мкм + 250 мкм -250 мкм + 200 мкм -200 мкм + 160 мкм -160 мкм	%	60,39 20,15 11,75 5,25 2,45
5.	Сочилувчанлик	г/с	Йўқ
6.	Сочилувчан зичлик	г/см ³	0,43±0,04
7.	Силкитгандан сўнг сочилувчан зичлик	г/см ³	0,64±0,03
8.	Табиий огиш бурчаги	град.	64,2±0,03
9.	Қолдиқ намлик	100°С, %	4,86±0,02
10.	Флавоноидлар йигиндиси миқдори	%	2.28
11.	Глицирризин кислотаси миқдори	%	7,06

